

Единый портал корпоративной информации

Объявления

«DD GENERAL INSURANCE» AJ ST

Объявление

«DD GENERAL INSURANCE» AKSIYADORLIK JAMIYATI SUG'URTA TASHKILOTI

ЭКСПЕРТ ТАШКИЛОТЛАР ЎРТАСИДА ТАНЛОВ

«DD GENERAL INSURANCE» акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти (кейинги ўринларда - Жамият) балансидаги Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 27-уй манзили бўйича жойлашган Жамият биносининг мустақил баҳоловчи томонидан тақдим этилган баҳолаш ҳисоботини эксперт текширувидан ўтказиш учун **эксперт ташкилотлар ўртасида танлов** ўтказилиши ҳақида эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун эксперт ташкилотлар Жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

Экспертиза фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;

Ташкилот устави нусхаси;

Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

Экспертиза ишининг бажарилиши муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Тижорат таклифларини **2024 йил 31 январь 17:00га** қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади: *Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 27-уй, Жамият бош офиси биноси.*

Мурожат учун телефон: (+99871) 231-20-02.

22.01.2024

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16699/>

Дата: 25.06.2026